

ЖАҲОН АДАБИЁТИДА УЧЛИК ТИМСОЛИНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ**С.Ходжаев**

ФарДУ катта ўқитувчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7257461>

Аннотация. Мақолада жаҳон адабиёти намуналарида учлик тимсолининг ўзига хос хусусиятлари ва уларнинг бадиий-фалсафий функциялари таҳлилга тортилган.

Калит сўз ва ибора: учлик тамойили, уч ўлчам, бадиий матн, архитектура, унсур, композиция, макон, бинарлик, муаммо, тасвир, ровий-персонаж, образ, мантиқий конструкция.

ХАРАКТЕРИСТИКА СИМВОЛА ТРОИЦЫ В МИРОВОЙ ЛИТЕРАТУРЕ

Аннотация. В статье на примере произведений мировой литературы анализируется своеобразие принципа триады и его художественно-философские функции.

Ключевые слова и выражения: принцип триады, три измерения, художественный текст, элемент, композиция, пространство, бинарность, проблема, изображение, рассказчик-персонаж, образ, логическая конструкция.

CHARACTERISTICS OF THE SYMBOL OF THE TRINITY IN WORLD LITERATURE

Abstract. In the article the specific characteristics of the trinity symbol and their artistic-philosophical functions in examples of world literature are analyzed.

Keywords and phrases: principle of three, three dimensions, artistic text, architecture, element, composition, space, binary, problem, image, narrator-character, logical construction.

КИРИШ

Жаҳон адабиёти намуналарини кўздан кечирганимизда уларда воқеликни бадиий идрок этиш ҳамда бадиий матн сифатида яратиш жараёнида ёзувчилар асар архитектурага турли йўллар билан ёндошганини кузатиш мумкин. Хусусан, баъзи асарларда композиция, баъзиларда эса образлар учлик тамойилга асосланганини кузатиш мумкин. Зеро, бадиий асар яратилишида ижодкор қўллаган учлик тамойили ва унинг асар композициясига алоҳида хусусият сифатида сингдириб юборилиши бадиий асарнинг шакл ва мазмун бирлигини таъминловчи муҳим унсур саналади. Шунинг учун антик назарийчилар асар композициясида учлик борлигини қадимдан эътироф этишган. Масалан, «лирик хорлардаги строфа, антистрофа ва эподларни алмашиб турувчи учлик» деб аташган. Тўғри мазкур кўпроқ драматик ёки трагик асарларга нисбатан қўлланган. Лекин биз учун муҳими, асар композициясида учлик тамойилининг мавжудлигини саналади. Бошқа бир назарий манбада эса “Нима бўлганда ҳам, шубҳасиз, жанрий идентификациянинг маҳсулдорлигини барча асар структурасининг асосида “қахрамон-муаллиф-ўқувчи” ётади”, дейилган. Шу манбанинг бошқа ўрнида эса анъанавий учлик тушунчасини қуйидаги тарзда тилга олишган: “Шунингдек олимлар замонавий немис олимларининг анъанавий учлик (эпос, лирика, драма)ни қайта текшириш концепциясига ҳам мурожаат қилишади”. Б.Саримсоков “бадиий образ инсон онги, руҳи, ҳис-туйғулари орқали акс этган воқелик” деб ёзганда бадиий образ асосида ҳам учлик борлигини кўрсатган. Яъни айнан инсон онги, руҳи ва ҳис-туйғуси образ асосини ташкил

этади. Қ.Йўлчиев эса “макон ҳар қандай аспектдан қаралганда ҳам оламни уч ўлчам (яъни узунлик, баландлик, кенглик)да намоён бўлишини” кўрсатади.

МЕТОД ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Кўринадики, адабиётшунослик назариясида учлик тамойили мавжуд. Лекин сўнгги йилларда амалга оширилган илмий тадқиқотларда, хусусан, бадиий асар архитектоникасига оид изланишларда учлик тамойилига нисбатан камроқ эътибор қилинади. Ваҳоланки, асар композициясида учлик ва унинг турли шакллари мазмуний компонентлар юзага чиқишини таъминловчи асосий воситалардан ҳисобланади. Аслида учлик воқеликни бадиий идрок этиш, тасвирлаш тамойили сифатида адабиётшуносликда мавжуд. Хусусан, “Эртак структураксини ташкил этувчи асосий тамойил бинарлик ҳисобланади. Бироқ сюжет қурилишида унинг ёнида учлик тамойили ҳам иштирок этади ва у структуранинг иккилик хусусиятини бузмаган ҳолда унга сезиларли ўзгаришлар киритади”. Буни, аввало, бадиий матннинг турли даражаларида кузатиш мумкинлигини айтиш лозим. Тадқиқот давомида маълум бўлдики, учлик асосга эга бадиий асарлар талайгина бўлиб, бундай матнларда учлик хусусияти воқеликнинг асосий қисмида намоён бўлади. Масалан, барча асарларда бадиий воқелик композицион ифодага кўра, уч ўлчамли шаклда акс этирилади. Баъзи асарларда сюжет тузилишига кўра, учликнинг ёндош ёки сайёр жиҳатлари ҳам кўзга ташланди. Биз фаслда тадқиқ этилаётган муаммонинг асосан ана шу уч жиҳатига эътибор қаратамиз.

Маълумки, бадиий асар композициясида образ ёки сюжет қурилишида учлик алоҳида ўринга эга. Чунки бадиий адабиёт ўз моҳиятига кўра, борлиқни, бутун ҳаётни қамраб олади. Борлиқ эса кишига уч ўлчамда намоён бўлади. “Чунки бадиий асардаги шакл ва мазмун бирлиги аниқ макон ва замон доирасида намоён бўлади”. Шундан экан, ҳар қандай бадиий асар композициясидаги сюжет қурилиши уч ўлчамда намоён бўлиши ҳақида сўз юритиш мақсадга мувофиқ бўлади. Масалан, АҚШ ёзувчиси Марк Твен “Жанна д’ Арк” (Personal Recollections of Joan of Arc) романидаги воқеалар Франция ўтмишида ёз берган. Ана шу тарихий воқеаларни бадиий қайта шакллантиришда ёзувчи асар воқеаларини уч ўлчамда тасвирлайди. Буни қуйидаги парчадан кузатиш мумкин:

“Ўша олис даврда бизнинг бошқа қишлоқлар каби чекка, овлоқ гўша эди. Ўзининг қинғир-қийшиқ, тор, узун ва қиска кўчалари, деҳқонларнинг томларига ёпилган похоли хошиядек кўриб турадиган ҳовлилари лабиринтни эслатарди. Уйлар кичик туйнук, тўғрироғи, ойна ўрнидаги тешиқдан тушган нур билан хира ёритиларди. Поли – тупроқдан, мебеллари деярли йўқ эди. Аҳоли асосан чорвачилик билан, бутун ёшлар эса чўпонлик билан шуғулланарди. Қишлоқ ажойиб жойда жойланган эди. Бир томони Мааас дарёсининг чаманларга айланган кенгқирғоғига, бошқа томони эса гуллар ва ўт-ўланлар билан қопланган тепаликларга туташган бўлиб, тепаликлардан ҳам баланроқда қалин, тим қоронғу қайинзор шовуллаб турарди. (“Our domremy was like any other humble little hamlet of that remote time and region. It was a maze of crooked, narrow lanes and alleys shaded and sheltered by the overhanging thatch roofs of the barnlike houses. The houses were dimly lighted by wooden-shuttered windows—that is, holes in the walls which served for windows. The floors were dirt, and there was very little furniture. Sheep and cattle grazing was the main industry; all the young folks tended flocks. The situation was beautiful. From one edge of the village a flowery plain extended in a wide sweep to the river—the Meuse; from the rear

edge of the village a grassy slope rose gradually, and at the top was the great oak forest—a forest that was deep and gloomy and dense, and full”).

ТАДҚИҚОТ НАТИЖАСИ

Мазкур парчада Жанна д` Арк туғилиб ўсган қишлоқ табиати ва у ердаги кишилар ҳақида бадиий информация берилган. Марк Твен шу ерда Домреми қишлоғи жойлашган макон, унинг узунлиги, кенлиги ва юзасини тасвирлайди. Айнан шу тасвирда биз уч ўлчамни кузатишимиз мумкин. Яъни қишлоқ жойланган макон табиати жойиб эканлигини таъкидлар экан ёзувчи унинг юзасини ҳақида ҳам маълумот беради. Иккинчидан унинг Маас дарёси қирғоғидан тепаликка қадар чўзилганлиги (узунлиги), баландлиги эса, асосан, похол билан ёпилган томлари ва тепалик ортидаги шовуллаб турган қайинзор орқали ифодаланган. Демак, пейзаж тасвири ёрдамида ёзувчи аниқ жойни тасвирлар экан уни ўқувчига уч ўлчамда, бадиий тасвир ва ифода воситалари орқали етказди. Тасвирнинг ўзидаёқ ёзувчи воқеалар худди шу ердан бошланишига ишора қилади. Шу ерда юқоридаги парча умумий композициянинг муҳим қисми сюжет учун эса экспозиция эканлиги аниқлашади. Шундан келиб чиқиб хулоса қилиш мумкинки, уч ўлчамли тасвир асар композициясида бадиий эстетик таъсир ва бадиий асар композицияси учун муҳим ифода воситаси саналади. Демак, бу асарда воқеликни уч ўлчамли акс эттириш ўзак масала ҳисобланади. Биз насрий асарларда борлиқни учлик тамойил асосдаги тасвирини барча асарларда ҳам кузатдик. Масалан, “Дарахтлар орасидаги йўлакдан оёқ учида, бошимизга новдалар тегсин, деб эгилиб юриб, боғнинг охиригача бордик. Ошхона ёнида ўтаётганда томирга қоқилиб кетдим ва шовқин чиқардим. Шошганча чўккалаб, овоз чиқармасдан ўтирдик. Катта негр аёл, Жим уни “Уотсон хоним” дерди, ошона остонасида ўтирганди; у бизга аниқ кўриниб турарди, чунки унинг ортида шам ёниб турганди. У сакраб турди ва бир дақиқача кулоқ солиб турдида сўнгра деди:

– Ким бор у ерда?

У яна бироз кутди, кейин оёқ учида юриб ва иккимизнинг ўртамизга келиб тўхтади, шу қадар яқин келдики қўл чўзсанег еткудек жойда эди”. (“We went tiptoeing along a path amongst the trees back towards the end of the widow’s garden, stooping down so as the branches wouldn’t scrape our heads. When we was passing by the kitchen I fell over a root and made a noise. We scrouched down and laid still. Miss Watson’s big nigger, named Jim, was setting in the kitchen door; we could see him pretty clear, because there was a light behind him. He got up and stretched his neck out about a minute, listening. Then he says: “Who dah?”

He listened some more; then he come tiptoeing down and stood right between us; we could a touched him, nearly”).

МУҲОКАМА

Марк Твеннинг Гек Финн саргузаштлари романининг иккинчи бобидан олинган ушбу парчада ҳам Гек ва Жимнинг тундаги “саёҳати”га оид тасвир келтирилган бўлиб, ёзувчи уларни ҳам уч ўлчам асосида тасвирлайди. Демак, учлик тамойилга асосланган тасвир барча бадиий асарларда учрайдиган ҳодиса саналади.

Асар билан танишиш жараёнида бадиий матн, қаҳрамон ва ўқувчи учлиги ҳам мавжудлиги кўзга ташланади. “Асарни бошқа воқелик сифатида қабул қилиш (бизнинг воқелик билан боғлиқ ҳолда) – биз ўқувчилар мавжуд бўлмаган, қаҳрамонлар яшайдиган ва ҳаракат қиладиган барча нарсалар – ўқувчининг нуқтаи назарини фикр билан

уйғунлаштириш, яъни қаҳрамонлардан бирининг нуқтаи назарини, аниқроғи ўқувчи худди қаҳрамонлар каби, у қаҳрамонни ўраб турган ҳамма нарсани реаллик деб баҳолаб, муаллиф ва матннинг мавжудлигини унутиши талаб этилади”. Натижада, бадий воқеликнинг матн, қаҳрамон ва ўқувчи учлигидаги муносабатини таҳлил эҳтиёжи туғилади.

Аниқроқ айтганда, ҳар қандай матн, бу ўринда бадий матн, ва ундаги мазмунни ифодаловчи шахс (бу ўринда ровий, воқеани баён қилувчи, бош қаҳрамон) ва ўқувчи муносабати юзага чиқиши мумкин. Масалан, биз асарни ўқуш жараёнида ундаги бадий информацияни Гек Финн тилидан эшитамиз ва у билан алоқага киришамиз. Натижада матн, қаҳрамон ва ўқувчи учлиги юзга чиқади.

Бу ерда учликнинг ҳар бир қисмига алоҳида эътибор қаратиш зарурати туғилади. Аввало, бадий матн ва унинг тизимли характери, икки ва уч томонла муносабатига ҳам тўхталиб ўтиш керак бўлади. Зеро, “Бадий матн бу структура меъёрларининг шунчаки амалдаги кўриниши эмас, балки уларнинг бузилиши ҳамдир. У амалга ошириш қонуниятини ва уларни бузишанъналаридан шаклланиб иккита структур майдонда юзага чиқади. Гарчи ушбу анъналарнинг ҳар бири якка етакчиликка интилса, қарма-қарши томонни йўқ қилишса ва томонлар қайсиниси ғалаба қозонса ҳам бу санъат учун мағлубият бўлади. Бадий матннинг ҳаёти уларнинг ўзаро тортишувдаги муносабатида кўринади.

Ю.М.Лотмоннинг мазкур хулосаси гарчи бадий матндаги тизимлар ҳақида бўлса-да, бадий матн-персонаж ва ўқувчи учлигига ҳам жорий этиш мумкин. Чунки бадий матн биринчи галда бу тил белгилари, унинг мазмуни ва ифодаси каби ички бўлинишларга ҳам учрайдики, бу ерда ҳам учлик тамойили кўзга ташланади. Фикримизни янада аниқроқ ифодалаш учун бадий асар олинган қуйидаги парчани таҳлил қиламиз:

“Деярли бир ой давомида қароқчилар ўйинини ўйнадик, кейин мен ўйиндан чиқдим, кейин барча болалар ҳам ўйинни ташлашди. Биз ҳеч кимни тунамдик, ўлдирмадик – фақат ўзимизни аҳмоққа солдик, холос. Ўрмондан юргуриб чиқардикда чўчка ҳайдовчиларга ёки бозорга кўкат ва полиз экинлари олиб аёлларга ташлангандек бўларди. Уларга ҳеч қачон тегмаганмиз. Том Соьер чўчкаларни “ёмби”лар, шолғом ва кўкатларни қимматбаҳо тош деб атарди. Сўнгра ғорга қайтиб, ўзимизча қанчап одам ўлдирганимиз ёки ярадор қилганимизни айтиб мақтанардик. Бундан биз нима фойдалигини мен билмасдим”.

ХУЛОСА

Мазкур парча асли 1) микроматн бўлиб, унда 2) ровий-персонаж бор. Матнга учинчи субъект, яъни 3) ўқувчи аралашса, аниқроғи матнни ўқиса у фаоллашади. Бу эса асосан ҳар қандай бадий матн учлик тамойили билан юзага чиқишининг исботи бўлади. Чунки матн ўқилмаса у фаоллашмайди ва бу ерда учлик тамойили тўлиқ амалга ошиши учун ўқувчининг ўрни ҳам зарур бўлади. Шу ерда матнни англаш тизимли бўлиши кўзга ташланади.

REFERENCES

1. Литературная энциклопедия терминов и понятий / Под ред. А.Н.Николюкина. – М.: НПК «Интелвак», 2001
2. Коллектив. Теория литературы. Том III. Роды и жанры (основные проблемы в историческом освещении).— М.: ИМЛИ РАН, 2003

3. Саримсоқов Б. Бадийлик асослари ва мезонлари. – Тошкент: 2004
4. Йўлчиев Қ. Лирик топохронос. – Тошкент: Fan ziyosi, 2021
5. Мелетинский Е.М., С.Ю.Неклюдон, Е.С.Новик, Д.М.Сегел., Троичность. IV. (1969)/ 130-131; 4.5) <http://diction.chat.ru>.
6. Йўлчиев Қ.В. Лирик шеърда бадий макон муаммоси. Сўз санъати халқаро журнали | Международный журнал Искусство слова | International journal of Word Art. №5, 2020.
7. Twain, Mark. Personal Recollections of Joan of Arc. Published: 1896
The Adventures of Huckleberry Finn (Tom Sawyer's Comrade) by Mark Twain. A Glass bookclassic – <http://boorzip.ru>
8. Коллектив. Теория литературы. В 2 томах. Том 1. – Москва: Академия, 2004
9. Лотман Ю.М. Структура художественного текста // Лотман Ю.М. Об искусстве. – СПб.: «Искусство – СПб», 1998